

САМАРҚАНДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ ВА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари Самарқандга ташрифини таомилга кўра, Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш билан бошлади. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан мазкур мажмуа буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тутган юксак макъеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Умумий майдони 45 гектарни ташкил этадиган ҳудудда улкан мақбара, 10 минг кишилик масжид ва маъмурият биноси, музей, кириш ва чиқиш айвонлари қурилди. Зиёратгоҳнинг 4 бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга маҳобат бағишлаган.

Бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклиги эътиборга олиниб, мажмуада инновацион музей ташкил этилди. У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади.

Мажмуа аввал бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир 65 минг нафар меҳмонга халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш имконияти яратилган.

Бундан ташқари, ҳудудда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби жойлашган.

Зиёратгоҳ атрофида 570 миллиард сўм маблағ сарфланиб, меҳмонхоналар ва савдо-сервис нуқталари ташкил этилди. Бунда 1 та тўрт юлдузли, 2 та уч юлдузли меҳмонхоналар ҳамда 22 та оилавий меҳмон уйи қурилган. Мазкур объектлар тўлиқ коммуникация тармоқлари билан таъминланиб, ҳудуди ободонлаштирилган. 2026 йилга қадар ҳудудда кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда автотурагоҳларни ташкил этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Имом Бухорий зиёратгоҳи халқимизнинг бой маънавий мероси ва бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунаси бўлганини таъкидлаб, мажмуада айна пайтда

олиб борилаётган сўнгги ободонлаштириш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш юзасидан масъуларга топшириқлар берди.

Президентимиз Окдаре тумани Даҳбед шаҳарчасида жойлашган Маҳдуми Аъзам мажмуасида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг март ойида вилоятга ташрифи чоғида Маҳдуми Аъзам қадамжосини обод қилишга оид лойиҳа билан танишган эди.

Асли ҳозирги Косонсой туманида туғилган сўфий олим нақшбандия таълимотининг раҳнамоларидан бири бўлган. Ёшлик чоғларида Фарғонадаги мадрасада савод чиқариб, Самарқандда Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди мавлоно Муҳаммад Қозий қўлида пирлик даражасига етишди. Кейинчалик ўзи тариқат илмига доир 30 дан зиёд асар ёзган, кўплаб шогирдлар етиштирган.

Бу зотга илм йўлидаги хизматлари учун Маҳдуми Аъзам унвони берилди. Илм ва дин йўлидаги узоқ сафардан сўнг Самарқандда абадий қўним топган.

Самарқанд ҳукмдори бўлган Ялангтўш Баҳодир Маҳдуми Аъзам қабри устида даҳма қурдирган ҳамда бу ерда йирик масжид, илм толиблари учун мадраса барпо қилган. У вафот этганидан сўнг ўз васиятига кўра, шу ерда дафн этилган. Умуман, зиёратгоҳда 50 дан зиёд қабртош сақланган бўлиб, акарияти кимнинг шарафига қўйилгани аниқланган. Бу ерда кўплаб алломалар қаторида икки нафар Афғонистон ҳукмдори (Шоҳ Ҳидоят ибн Шоҳ Қосим (1668 йил), Шоҳ Саодат ибн Шоҳ Ҳидоят) ҳам дафн этилган.

Аллома мангу қўним топган зиёратгоҳда лойиҳа доирасида кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳининг умумий майдони қарийб 5 гектарни ташкил этади. Бу масканга келувчи зиёратчилар ҳам кўп. Уларга шароитларни яхшилаш мақсадида Маҳдуми Аъзам мақбараси ёнида уч қаватли замонавий автотурагоҳ, кириш дарвозаси, кушона ва маъмурий бинолар, ташхиратхона,

минг кишилик масжид ва қўшимча айвонлар қурилмоқда.

Таъмирлаш ишларидан сўнг бир вақтнинг ўзига 35 минг зиёратчини қабул қилиш имконияти яратилади. Авваллари 5 минг зиёратчи қабул қилинган.

Шунингдек, ҳудудда зиёратчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, 40 дан ортиқ савдо ва сервис объектлари ташкил этилади.

Аллома ёдга олинб, Қуръон тиловат қилинди. Президент зиёратгоҳда дарахт экди.

Зиёратгоҳни янада ободонлаштириш, боғда кўп йиллик дарахт кўчатлари ўтқазиб, ташриф буюрувчилар учун қулайликлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Ҳизр мажмуасида ҳам бўлиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исом Каримов мақбарасига гул қўйди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Самарқанд — Ургут” янги темир йўл линиясида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Ушбу темир йўл қурилиши жорий йил феврал ойида бошланган бўлиб, умумий узунлиги 55 километрни ташкил этади. Лойиҳа доирасида иккита вокзал, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида иккита юк станцияси ҳамда бир қатор кўприклар барпо этилди. Ўтибборлиси, мазкур линияни келгусида тўлиқ электрлаштириш режалаштирилган.

Янги йўналиш икки жуфт шаҳарлараро поезд ва тўққиз жуфт юк поезди қатновини таъминлаш имкониятига эга. Лойиҳани шу йил охирига қадар якунлаш кўзда тутилган. Поездлар қатнови йўлга қўйилиши орқали йилга 359 минг йўловчи ва 8,2 миллион тонна юк ташини имкони яратилади.

Йўналиш Самарқанд шаҳри, Тойлоқ ва Ургут туманлари аҳолиси учун вақфисиз ва замонавий транспорт хизмати тақдим этиши билан аҳамиятли. Шунингдек, ички туризм ривожига ҳам катта туртки беради.

Темир йўл инфратузилмаси иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ушбу лойиҳа “Ургут” эркин иқтисодий зонаси салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Янги йўналиш ишга тушиши натижасида 130 та янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга мазкур йўналишда ҳаракатланувчи поездда Ургутга борди.

Сафар чоғида Президентимиз темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун қулайликларни янада ошириш, темир йўлларни электрлаштириш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан мутасаддиларга қўшимча топшириқлар берди. Шунингдек, йўл бўйлаб амалга оширилаётган қурилиш ва ободончилик ишларига эътибор қаратади.

Ургут тумани катта салоҳиятга эга ҳудуд сифатида тобора муҳим ўрин эгаллаб бораётгани таъкидланди. Бу ердаги аҳоли ишбилармон, тадбиркорлик руҳи кучли. Мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бундай ҳудудларни ривожлантиришда эса замонавий логистика ва инфратузилма ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Янги темир йўлнинг келиши билан Ургутда иқтисодий ўсишни чеклаб турган тўсиқлар, логистик “тормоз”лар бартараф этилади. Юк ташини тезлашди, маҳсулотлар бозорларга арзон ва вақтида етказилади, инвесторлар учун қулайликлар янада ортиб, ҳудуднинг рақобатбардорлиги ошади.

Энг муҳими, ҳудудда яратилаётган янги имкониятлар аҳолининг турмуш даражасига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Инфратузилма ривожланган жойда иш ўринлари кўпаяди, хизматлар яхшиланади, тадбиркорлик фаоллашади.

Таъкидланишича, мазкур лойиҳа темир йўл тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтиришга қаратилган ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу жараёнда ишларни ўз вақтида ва юқори сифатда амалга ошириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш

ҳамда ҳаражатларни оптималлаштириш зарурлиги айтилди.

Сафар чоғидаги суҳбатда давлатимиз раҳбари Самарқандда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишларнинг одамлар ҳаётидаги ижобий акси яққол кўзга ташланаётгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари сифатида тарбиялаш ҳақида сўз юритди. Ургутгача тортилган темир йўлга туташ ерларни ўзлаштириш, уларда қишлоқ хўжалиги маданиятини юксалтириш, таълим соҳасида, шу жумладан, қўшни давлатлар билан халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Ургут вокзали янги йўналишнинг асосий нуқталаридан бири. Президентимиз вокзал инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш тизими ва йўловчилар ҳаракатини ташкил этиш масалаларига эътибор қаратди. Туристлар учун қулайликларни яхшилаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Ургут тумани фаоллари билан самимий мулоқот ўтказди. Суҳбатда ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли турмуш тарзи ва тинчлик қадри ҳақида фикр алмашилди.

Одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, даромад ва фаровонлигини ошириш, маҳаллаларни обод қилиш давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланаётгани таъкидланди. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида sanoat, қишлоқ хўжалиги, туризм, транспорт ва энергетика соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Нуронийлар бу ўзгаришлар аҳоли ҳаётида сезиларли натижа бераётгани, халқимиз ислохотларга юқори баҳо бераётганини таъкидлади.

Шунингдек, Президентимиз вокзал атрофида аҳоли фаровонлиги ва ҳудуднинг иқтисодий жозибдорлигини оширишга қаратилган қўшимча лойиҳалар тақдими билан ҳам танишди. Тадбиркорлар ташаббуси асосида яқин ҳудудларда автовокзал, чойхона, экобозор, турар жой бинолари, хусусий мактаб ва боғчалар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Ушбу ишлар амалга оширилиши натижасида аҳолига янги хизмат турлари яратилади, ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмаси яхшиланади, тадбиркорлик муҳити янада фаоллашади. Энг муҳими, 350 нафарга яқин фуқаронинг доимий бандлиги таъминланиб, ҳудуднинг иқтисодий ўсишига қўшимча туртки берилади.

Давлатимиз раҳбари Ургут туманидаги “Ferte Group” корхонасининг маиший техника ишлаб чиқариш лойиҳаси фаолияти билан танишди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги мазкур корхона кейинги йилларда юртимизда тадбиркорлик субъектларига яратилган қулай имконият ва ишончли инвестиция муҳити натижасида ташкил этилган замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси саналади.

Дастлаб хориздан келтирилган бутловчи буюмлар асосида бир неча турдаги маиший техника воситаларини йиғиш билан фаолият бошлаган корхона бүгунга келиб музлаткич, газ плита, кичик печ, чангюткич, дубброн ва бошқа уй-рўзгор буюмлари, замонавий темир эшиклар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда мустаҳкам ўринга эга йирик компанияга айланган.

Бу ерда “Dorsa”, “Kleo”, “Ferte” каби брендлар остида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги билан тайёрланаётган маҳсулотлар Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжонга экспорт қилинмоқда. Ички бозордаги рақобат муҳитида ҳам “Ferte” ўз ўрини топган брендга айланган. Корхонанинг йиллик қуввати ҳозирда ўртача 440 миллиард сўмлик 250 минг дона маҳсулотни ташкил этиб, бу кўрсаткич йил сайин ошиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнида “Embraco”, “LG”, “DOW”, “Midea” каби дундаги етакчи компаниялар материаллари ва бутловчи қисмларидан фойдаланилади. Бугунги кунда корхона маҳсулотларининг маҳаллийлаштириш даражаси қарийб 85 фоизни ташкил этади.

➔ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

Ф А Р М О Н И

А.М.БОБОЕВНИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА

ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Адиб Музафарович Бобоев** Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2025 йил 25 ноябрь

Кейинги йилларда юртимизда аграр ва озиқ-овқат соҳаларидаги ҳуқуқий ислохотлар қишлоқ хўжалиги тизимини тубдан янгилаш, замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилаётти. Жорий йилнинг ўзига мазкур йўналишда кенг қамровли ташаббуслар амалга оширилдики, бундан илҳомланган ривожланишга ҳуқуқий пойдевор яратди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

НАТИЖАДА НАМОЁН

Жумладан, 2025 йилда аграр ва озиқ-овқат йўналишида ишлаб чиқилган 99 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасидан 52 таси қабул қилинди. Улар қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг янги босқичини белгилаб, соҳадаги бошқарув тизимини шаффоф, замонавий ва натижага йўналтирилган шаклга айлантирмоқда. Чунки ушбу ҳужжатлар асосида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, маҳсулот танқислигининг олдини олиш чоралари ҳамда озиқ-овқат балансини шакллантириш тартиби белгилаб берилди.

Фермер ва тадбиркорларни табиий офатлар, иқлим ўзгариши ҳамда бозор таваккалчилигидан ҳимоялаш, сугурта ҳодисалари бўйича зарарларни қоплаш тартиби қонун билан аниқлаштириб олинди. Экин майдонлари унумдорлигини ошириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича янги тизим жорий этилди. Ер участкаларини е-аuction платформасида аукцион орқали ижарага олишда барча фуқаролар, юридик шахслар ва чет эл инвесторлари ҳам иштирок этиши белгиланди. Бу тизим асосида ер муносабатларида шаффофлик ва тенг имкониятлар муҳити яратилди. Соҳада рақамли ислохотлар янги босқичга кўтарилди.

➔ Давоми 4-бетда

ЭКОЛОГИЯНИ ЭМАС,

ЎЗИМИЗНИ ҚУТҚАРИШ ФУРСАТИ

Бугунги глобал дунёда экология, атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши масалалари халқаро форум, конференция ва мамлакат етакчилари учрашувидagi энг долзарб мавзулар қаторидан жой олмоқда. Мамлакатимизда сўнгги кунларда кузатиладиган вазият — атмосфера хавосининг ифлосланиши билан боғлиқ муаммо кўплаб муҳокамааларга сабаб бўлди. Ҳўш, жамоатчилик фаоллари ижтимоий тармоқлар орқали кўтарилган муаммоларга ҳукумат қандай муносабат билдирди? Қайси қарор ёки фармонда ушбу масалалар ечими ўз аксини топди?

➔ Давоми 2-бетда



Акмал САИДОВ,
академик

Пойтахтимизда 2025 йил 16 ноябрь куни Президентимиз раислигида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ғоят катта тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Маслаҳат учрашуви якунида қабул қилинган ҳужжатлар ва илгари сурилган ташаббусларда барқарор, хавфсиз ва фаровон Марказий Осиёни барпо этишдек умумий мақсад ўз тажассумини топгани таҳсинга сазовор.

Давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Айни жараёнда “минтақавий ўзига хослик” ва “минтақанинг халқаро ҳуқуқий субъект сифатидаги мавқеи” деган янги тушунчалар лугатимизга кириб келди.

Минтақавий ўзига хослик — янги воқелик

Марказий Осиё — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши. Минтақамиздаги муштараклик сиёсати туфайли халқаро лугатда “Янги Марказий Осиё руҳи”, “минтақавий ўзига хослик”, “минтақанинг халқаро ҳуқуқий субъект сифатидаги мавқеи” деган иборалар пайдо бўлди. Бу ўринда, аввало, Марказий Осиёда конструктив, яхши қўшнчиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни бос-



қичма-босқич барпо этиш ҳақида сўз бормоқда. Худди шу ёндашув туфайли сўнгги йилларда минтақа тубдан ўзгаргани, янги қиёфа касб этгани — ўзаро ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айлангани бүгун ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуктаи назарда, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви арасида Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё янги давр оstonасида” сарлавҳали мақоласи матбуотда эълон қилингани катта аҳамиятга эга. Ушбу мақолада ҳам минтақамиз истиқболига оид қатор янги ғоя ва фикрлар айtilган.

Шундай янги ғоялардан бири — “минтақавий ўзига хослик” тушунчасини қисқача таҳлил қилайлик. Президентимиз кейинги даврда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини минтақавий яқинлашувнинг янги босқичига олиб чиқиш борасида турли соҳаларда эришилган натижаларга тўхталар экан, “Аста-секин Марказий Осиёнинг янги минтақавий ўзига хослиги вужудга келмоқда”, дея эътироф этди.

Бундай минтақавий ўзига хослиkning моҳияти нимада? Ўзбекистон лидерининг таъкидлашича, “Бу фарқли жиҳатларимизни эътироф этиш ва айни пайтда халқларимизнинг умумий тарихи, муштарак маданиятининг, тақдирларимиз ўзаро боғлиқ

эканини чуқур англашга асосланади. Қўшничилик — хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти — барчанинг ютуғи деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳисси шаклланмоқда”.

Ўзбекистон Президенти “Марказий Осиё яқин ўн йилликларда қандай ривожланади?” деган принципиал саволга жавоб берар экан, яна бир бор “минтақавий ўзига хослик” тушунчасига эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбари, жумладан, бу борада гуманитар ҳамкорлик устувор йўналиш бўлиб қолаётганини, инсон капиталини ривожлантириш, таълим, илм-фан ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш марказий вазифа эканини қайд этди.

Янада муҳими, умумий ахборот маконини яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, умуман, ижтимоий соҳани, жумладан, туризм ва ёшларга оид қўшма дастурларни ривожлантириш — буларнинг барчаси халқларимиз ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилади. Президентимизнинг таъкидича, “Умумий қадриятлар, маданий яқинлик ва фаровонликка биргаликда интилишга асосланган минтақавий ўзига хослиқни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда”.

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувидаги нутқида “минтақавий ўзига хослик” деган янги тушунчанинг моҳиятини янада теран очиб берадиган ёрқин фикр-мулоҳазаларни билдирди. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, “Мураккаб ва олдидан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро сиёсий жараёнлар шароитида ўзаро ҳамжиҳатлигимиз ва бир-биримизни қўллаб-қувватлашни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ишончим комилки, бүгун биз минтақамизнинг Янги Марказий Осиё сифатидаги тарихий уйғониш даври оstonасида турибмиз”.

“Минтақавий ўзига хослик” тушунчасининг хусусиятлари

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан дипломатик лексикон ва амалиётта олиб қирилган “минтақавий ўзига хослик” атамасининг маъно-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириб бериш учун қомус ва лугатларни арақлаш асносида муайян қийинчиликларга дуч келди. Нега деганда, бир томондан, лугатларимизда “ўзига хослик” иборасига изоҳ берилмаган бўлса,



Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида минтақамизнинг “халқаро ҳуқуқий субъект” сифатида ягона минтақа номидан иш кўраётгани билан боғлиқ янги халқаро ҳуқуқий воқелик алоҳида эътибор марказида турди.

манбаларга қараганда эса “идентиклик” атамасини машҳур психоаналитик Зигмунд Фрейд илмий муомалага киритган. Айни чоғда “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “идентиклик” тушунчасига оҳангдош “идентификация” сўзига изоҳ учрайди. Унга кўра, “идентификация — объект ёки шахснинг умумий ва хусусий белгилари мажмуига қараб айнанлигини аниқлаш”.

Шу сабабли ҳозир “ўзига хослик” (“идентиклик”) атамаси турли талқинларда қўлланмоқда. Жумладан, унинг “ўзлик”, “ўзига хос қиёфага эгалик”, “аслик”, “айнанлик” каби вариантлари ушбу атама акс эттирадиган ҳақиқий тушунчани аниқлаштиришга қўпичча халал беради.

Фандаги ушбу ҳолат нафақат ғарблик олимлар, балки ўзбекистонлик мутахассислар орасида ҳам кенг тарқалган. Айни масалани алоҳида ўрганган олимларимизнинг фикрича, Ўзбекистондаги этнология, социология ёки ижтимоий (маданий) антропология фанлари йўналишида тадқиқот ўтказётган мутахассислар орасида идентиклик, миллий идентиклик, этник идентиклик, ижтимоий идентиклик, гуруҳ идентиклиги, диний идентиклик, этномаданий идентиклик, идентиклик инкнрози, гендер идентиклиги, тил идентиклиги ва бошқа маъно атамалари билан боғлиқ замонавий сўзларга батафсил таърифлар ишлаб чиқилмаган, мавжудлари ҳам яқинига етказилмаган. Бу атамаларнинг чегараси, вазибалари, аҳамиятини аниқлаш, тадқиқ этиш, баҳолаш бўйича методологик тавсиялар ҳам шакллантирилмаган.

Айтмоқчимизки, “минтақавий ўзига хослик” (“региональная идентичность”) деган том маънода янги атаманинг туб моҳиятини тушунтириш учун, аввало, “ўзига хослик” (“идентиклик”) иборасининг мазмунини изоҳлаб бериш талаб этилади. Шундай экан, тилшунос, лугатшунос ва қомусшунос мутахассисларимизнинг бу борада муайян атамани муомалага киритишини қутиб қолибмиз.

Шундай қилиб, Марказий Осиёнинг минтақавий ўзига хослиги деганда нима-ларни тушунамиз? Фикримизча, ушбу янги тушунча замирида:

- жуғрофий яқинлик;
- умумий тарих;
- маданий муштараклик;
- диний омил;
- бағрикенглик (толерантлик);
- қардошлик ва қўшничилик имкониятлари;
- халқларимиз тақдири ўзаро боғлиқлиги каби ягона минтақавий маконга мансубликни тасдиқлайдиган муҳим омиллар жуммассам.

Марказий Осиё — халқаро ҳуқуқий субъект сифатида: моҳият ва аҳамият

Янги Марказий Осиёда вужудга келаётган янги минтақавий ўзига хослик қандай аҳамиятга эга? Гап шундаки, минтақавий

жиғслашув борасидаги айни шундай муҳим ютуқлар туфайли бүгун Марказий Осиё халқаро муносабатларнинг манфаатлари ва тараққиёт йўларини аниқ тасаввур этадиган мустақил ва масъулиятли иштирокчиси сифатида шаклланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Марказий Осиё плюс” ҳамкорлик формалари минтақанинг халқаро ҳуқуқий субъект сифатидаги мавқеи кучайиб бораётганининг ифодаси ҳамда барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим маркази сифатидаги ролининг эътирофи бўлди.

Чиндан ҳам илгари ташқи ҳамкорлар алоқаларни асосан икки томонлама асосда қўрган бўлса, бүгун етакчи давлат ва бирлашмалар Марказий Осиё билан муносабатларни яхлит минтақавий шерик сифатида ривожлантирмоқда. Бу минтақанинг бошқа ҳамкорлар билан муносабатларини янги босқичга олиб чиқади, дея қайд этади Президентимиз. Янги Марказий Осиё ташқи ҳамкорлар билан халқаро муносабатларнинг ягона субъекти сифатида мулоқот қилса, унинг овози баландроқ ва ишончлироқ янграйди, позициямиз кучлироқ бўлади. Инвестицияларни жалб этиш, бошқа мамлакатлар билан барча йўналишда ҳамкорликни кучайтириш бўйича вазибаларни янада самарали ҳал қила оламиз.

Бошқача айтганда, Марказий Осиё давлатлари кейинги даврда БМТ, ШХТ, МДХ, ТДТ каби ҳамкор халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда нафақат мустақил ва суверен давлат мақомида, балки юридик тилда айтганда, “халқаро ҳуқуқий субъект” сифатида ягона минтақа номидан ҳам дадил ва яқдил иш кўраётгани жуда муҳим. Зеро, “халқаро ҳуқуқий субъект”га айланишнинг туб асоси ва таъйини минтақавий ўзига хосликдир.

“Халқаро ҳуқуқий субъект” нима дегани?

Халқаро юридик шахс, яъни “халқаро ҳуқуқ субъекти” институти халқаро ҳуқуқдаги энг қадимги институтдир. Янги мустақил давлатлар пайдо бўлишининг ҳозирги босқичи, асосан, XX аср 90-йиллари бошида Марказий ва Шарқий Европада социалистик ҳамжамят ва алоҳида давлатларнинг парчаланиши шаклида юз берди.

Бу ўринда учта федерация — собиқ иттифоқ (1991 йил), ЮСФР (Югославия социалистик федератив республикаси, 1991-1992 йиллар), Чехословакия (1993 йил) ва битта унитар давлат — ГДР (1990 йил) барҳам топгани ҳақида сўз бормоқда. Бироқ собиқ социалистик федерациялар ўрнида шаклланган янги мустақил давлатларни тан олишнинг бой халқаро ҳуқуқий амалиёти халқаро ҳуқуқ фанида чуқур илмий таҳлил этилмади ва муносиб баҳо олмади.

Ваҳоланки, XX аср 90-йиллари бошидан замонавий дунёда қатор глобал ўзгаришлар, хусусан:

- собиқ иттифоқ, Югославия, Чехословакиянинг парчаланиши;

— халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган йиғирмадан ортқ янги мустақил давлатнинг пайдо бўлиши;

— янги мустақил давлатларнинг халқаро ҳамжамят томонидан тан олиниши ва улар билан дипломатик алоқалар ўрнатилиши;

— ушбу мустақил давлатларнинг халқаро ташкилотлар фаолиятига фаол жалб этилиши каби оламшумул воқеалар рўй берди.

Бу ғоят муҳим омиллар: биринчидан, “халқаро ҳуқуқ субъекти” институтига эътиборни тубдан оширди; иккинчидан, мустақил давлатлар халқаро-ҳуқуқий эътироф этилишининг аҳамиятини янада кучайтирди; учинчидан, янги давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий сиёсат юритишига нисбатан илмий ва амалий қизиқишнинг долзарб аҳамиятини баралла намоён этмоқда.



Буни бир қанча сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчи сабаб — янги давлатнинг пайдо бўлиши нисбатан кам учрайдиган ҳо-дидир. Инсоният олис тарихининг санокли даврларидагина қисқа муддатда бу тахлит кўп сонли янги давлатларнинг ташкил топиши тажрибаси кузатилган.

Иккинчи сабаб — янги давлат ташкил топиши ва халқаро ҳуқуқий тан олиниши ҳар доим алоҳида давлатлар ва халқаро ҳамжамятга аъзо давлатлар ҳамжамятларининг тўқнашуви билан боғлиқ бўлади. Жумладан, янги давлатнинг бошқа давлатлар томонидан эътироф этилиши ва БМТга аъзо бўлиши аслида хамирдан қил сугур-гандек осон кечмайди.

Учинчи сабаб — халқаро юридик шахс ва халқаро ҳуқуқий эътироф институтилари кодификацияланмаган бўлиб, асосан, ҳуқуқий нормаларини қамраб олади. Ушбу халқаро-ҳуқуқий институтларнинг айрим жиҳатлари манфаатдор тарафларнинг кўп ва

икки томонлама келишувлари, халқаро ташкилотларнинг қарорлари, шунингдек, алоҳида давлатларнинг дипломатик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Халқаро одатлар, умумий тамойиллар ва таълимотлар — халқаро юридик шахс, халқаро ҳуқуқий эътироф институтилари ва халқаро ҳуқуқий сиёсат таянадиган асосий пойдевор мана шулардир.

Давлатлар халқаро ҳуқуқий субъект-лигининг асоси уларнинг ўзига хос давлат суверенитетидир. Бу, ўз навбатида, тегишли халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишидан келиб чиқади. Халқаро муносабатларда фақат мустақил суверен давлатларгина универсал юридик шахс мақомига эга бўлган халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари сифатида ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий мақоми халқаро ҳамжамятда суверен давлат сифатида, бир томондан, эга бўлган ҳуқуқлари, иккинчи томондан, зиммасига олган мажбуриятларининг чамбарчас боғлиқлигидан иборат. Мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканини тасдиқлайдиган қатор ҳусусиятлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий сиёсатини самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан халқаро ҳуқуқий соҳадаги устувор йўналишлар ва йўналишларнинг тўғри белгиланишига боғлиқ. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, давлатимиз олдида турган минтақавий ва жаҳон миқёсидаги энг муҳим вазибаларни ҳал этишга катта ёрдам беради.

Марказий Осиё давлатларининг халқаро ҳуқуқий сиёсати ҳақида фикр юритганда, ҳақиқатан, минтақавий жиғслашув бора-сидаги ютуқлар туфайли бүгун Марказий Осиё халқаро муносабатларнинг ўз манфаатлари ва тараққиёт йўларини аниқ тасаввур этадиган мустақил ва масъулиятли иштирокчиси сифатида қарор топганини таъкидлаш лозим. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Биз девор эмас, кўприк барпо этмоқдамиз”.

Ўз навбатида, Марказий Осиё минтақаси давлатлари халқаро ҳуқуқий субъект сифатида:

- БМТ, ЕХХТ, ШХТ, МДХ ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо;
- асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган;
- БМТ Бош Ассамблеясида минтақамизга оид резолюцияларни илгари суриш борасида бирга ишламоқда;
- БМТнинг устав ва шартномавий органларида ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

Муҳими, Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати ўз сазй-ҳаракатларини иқтисодиётни ривожлантириш, ишончни мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтириш орқали мин-

тақамиз барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Яна бир эътибор ва эътирофга молик жиҳат: илгари ташқи ҳамкорлар алоқаларни асосан икки томонлама асосда қўрган бўлса, бүгун етакчи давлат ва бирлашмалар Марказий Осиё билан муносабатларни яхлит минтақавий шерик сифатида ривожлантириш йўлини таллаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Хулоса қилганда, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида минтақамизнинг “халқаро ҳуқуқий субъект” сифатида ягона минтақа номидан иш кўраётгани билан боғлиқ янги халқаро ҳуқуқий воқелик алоҳида эътибор марказида турди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ҳамжиҳатлик ва умумий тараққиёт сари интилишнинг кучайиши Марказий Осиёнинг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш ва глобал миқёсдаги родини оширишга хизмат қилмоқда”.



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
қишлоқ хўжалиги вазири

Бошланиши 1-бетда

Томчида ҳаёт акс этади

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва унмдор майдонларни кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида жорий йилда ҳудудларда 61 минг гектар ер фойдаланишига киритилди. Ер ости сув захираларидан фойдаланган ҳолда илгари деярли ҳосил етиштириш имкони бўлмаган 10,9 минг гектар лалми-йиллов ер ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, 16,1 минг гектар лалми-йиллов майдонларда кам сув талаб қиладиган экинлар жойлаштирилди. Бу янгича ёндашув сув ресурсларини тежаш, иқлим ўзгариши шариотида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сувдан оқилона фойдаланиш, ернинг иқтисодий қийматини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида янги босқичга қадам қўйилди. Зеро, бугунги замон, вазият талаби шундай. Чунки айни пайтда дунё бўйлаб сув ресурслари тобора қисқариб бормоқда. Иқлим ўзгариши, ҳарорат ошиши, ёнғингарчилик камайиши туфайли сув тақчиллиги сезила бошлади. Ушбу шариотда юртимизда сув тековчи технологияларини кенг жорий этишга стратегик вазифа сифатида қаралаётгани диққатга сазовор. Энди сувдан оқилона фойдаланиш масаласи нафақат қишлоқ хўжалиги, балки юртимиз иқтисодий хавфсизлигининг энг муҳим вазифасига айледи.

Мамлакатимиздаги жами сув сарфининг қарийб 90 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Шу боис, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш орқали сувни тежаш, тупроқ унмдорлигини ошириш ва маҳсулот таннларининг пасайтириш асосий мақсадлардан бирига айледи.

Жорий йилнинг ўзида 838 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Бу ўтган йилдагидан 1,3 баробар кўпдир. Яъни 8 миллиард куб метр сув тежалди. Қисқа айтганда, сув тековчи тизимларни кенг жорий этиш фақат иқтисодий чора эмас, балки миллий маънавий бурчимиздир.

Табиат ва меҳнат уйғунлиги

Мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, аҳолининг турмуш сифатини



Юртимизда коррупцияга қарши курашининг замонавий, миллий моделини яратиш йўлида изчил ва қатъий сиёсат юритилмоқда. Биргина мисол, комплаенс хизматлар коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга хизмат қилмоқда. Хусусан, Навоий кон-металлургия қўшма ширкатида Президентимизнинг 2021 йил 6 июлдаги қарорига мувофиқ, 2021 йилдан бошлаб 15 та штат бирлигига комплаенс хизмати ташкил этилган эди. Хизмат олдида қатор муҳим вазифалар қўйилган. Коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаб, олдини олиш, шунингдек, унга замин яратадиган ҳолат ва сабабларни бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймастик, муҳими, коррупцияга мурасасиз муносабат шакллантириш чораларини кўриш шулар жумласидан. Мазкур вазифаларни самарали бажаришда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш юритилган ҳам.

яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини оширишда мевали боғлар ҳамда тоқзорларнинг аҳамияти катта. Бугун барча тоифадаги хўжаликларда 367,5 минг гектар мевали боғ ва 220 минг гектар тоқзор мавжуд. Фақат жорий баҳорда 17,2 минг гектар мевали боғ ва 6,3 минг гектар узумзор барпо этилди. Бу йиллик режанинг мос равишда 57 ва 58 фоизини ташкил этади.

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосилили бўлиб қолган 18,8 минг гектар боғ ҳамда 6,8 минг гектар тоқзор замонавий технологиялар асосида реконструкция қилинди. Мазкур ишлар ҳосилдорликни 25 фоиз ошириш имконини берди.

Баҳорда умумий ҳисобда 66,8 миллион туп қўчат ва қаламча экилди. Барча экиш ишлари “Yashil makon.eco” рақамли платформаси орқали қайд этилди ҳамда ҳар бир қўчатнинг жойлашуви, сўғорилиши ва парвариши электрон тарзда назоратга олинди. Экологик ташабуслар фақат ишлаб чиқариш миқёсида эмас, балки фуқаролар фаоллиги орқали ҳам амалга оширилаётгани эътиборга молик жиҳат. Жорий йил баҳорда вазирилик ва тизим ташкилотларида фаолият юритаётган 5,6 минг ходим ўз яшаш ҳудудларида 66,7 минг дона мевали ва манзарали қўчатлар экишга ўз ҳиссасини қўшди. Бу фақат дарахт экиш эмас, халқимизнинг ватанпарварлик ва табиатга эҳтиром анъаналарига амалий мисол бўлди.

Пахтачиликда илгор технология

Қишлоқ хўжалигида пахтачилик соҳасини илмий ёндашувлар ва инновацион технологиялар асосида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳосилдорликни ошириш, сув ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш, шўрланиш, қурғоқчиликка чидамли навларни кенгайтириш орқали соҳанинг барқарор ўсишига эришиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, жорий йилги ҳосил учун соҳа олимлари тавсиялари ҳамда маҳсулот етиштирувчилар тақлифи асосида 875,6 минг гектар майдонда чигит экилди. Бу ўтган йилдагидан 136 минг гектар кам. Лекин майдонлар сифат жиҳатидан оптималлаштирилди. Ерга жами 31 та районлашган, 20 га яқин хорижий ва 30 дан ортиқ истикболли гўза нави чигитлари экилди. Улар орасида тупроқ-иқлим шариотида мослашган, сувсизлик ва шўрга чидамли, эртапишар, серҳосил ҳамда тола сифати юқори 10 та янги маҳаллий гўза нави алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур навлар майдонни 220 минг гектарга (яъни умумий майдоннинг 25 фоизига) етди — бу ўтган йилдагидан 10 минг гектар кўп.

Юртимизда пахтачиликда Хитой-Шинжон тажрибаси кенг жорий этилмоқда. Бу плёнка остига томчилаб сугориш усулидаги 76 сантиметрли қўшқатор схема бўлиб, сув тежаш, ер намлигини узокроқ сақлаш ва гўза илди тизими ривожланишини

рағбатлантиради. Хусусан, 76 сантиметрли қўшқатор экиш схемаси жорий этилиши соҳадаги энг муҳим инновацияларнинг бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу тизим ердан самарали фойдаланиш, яъни гектарига қўшимча 120-140 минг қўчат жойлаштириш имконини беради.

Пахтачиликда “Шинжон технологияси” суви тежаб, ҳосилдорликни 15-20 фоизгача ошириш имконини бермоқда. Шунингдек, плёнка остидаги муҳит тупроқ ҳароратини барқарор ушлаб туришга ёрдам беради, бу эса гўза илдини кучайтириб, тола сифатини яхшилади. Жорий йилда айнан “Шинжон технологияси” асосида 181 минг гектарда



пахта етиштирилди. Ушбу тажриба туфайли қўшимча 1,2 миллион тонна пахта ҳосили олинди.

Инновация ва илмий ёндашув — барқарор ҳосил пойдевори

Галлачиликдаги илмий ва технологик янгиланишлар самараси ҳам тобора яққол намоён бўлмоқда. 2025 йил ҳосили учун 1,2 миллион гектарда, шундан 997 минг гектар сугориладиган ва 224 минг гектари лалми ерларда бошоқли дон экинлари экилиб, илгор агротехник тадбирлар асосида парвариланди.




Бу йил илмий ёндашув асосида муҳим янгиланишлардан бири яровизация (вернализация)нинг кенг қўлланилиши бўлди.

Яровизация уруғларини сунъий совитиш орқали уларнинг ўсиш ва ривожланиш босқичларини тезлаштириш, қўчатнинг совуққа, намлик етишмовчилиги ва касалликларга чидамлигини оширишга қаратилган жараён-дир. Бу жараёнда доннинг илк ўсиш босқичида фаол метаболизм юз беради, унинг илди тизими кучли ривожланади ва ҳосилдорлик сезиларли даражада ортади.

Яровизацияни тўғри ташкил этиш нафақат ҳосил миқдорини, балки сифатини ҳам яхшилади. Доннинг оқсил миқдори ва технологик



кўрсаткичлари юқори бўлади. Ушбу тажриба асосида республикамиз бўйича 260 тонна уруғлик дон маҳсус совиткичи омборларда +1...+5°C ҳароратда 40-45 кун сақланиб, физиологик тайёр ҳолатга келтирилди. Шундан сўнг бу уруғлик тажриба-синов тариқасида 31 та тумандаги 62 та фермер хўжалигининг 1,1 минг гектар ерида экилди. Қўрилган тизимли чоралар натижасида фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 8,4 миллион тоннадан ортиқ дон ҳосили олинди. Сугориладиган майдонларда ўртача ҳосилдорлик 84 центнердан ортиқни ташкил этди. 9,8 минг фермер хўжалигида 90-95 центнер, айрим тажрибали фермерлар эса 100 центнергача пахта хомашёси олишга эришди.



Экспорт географияси кенгаймоқда

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг муҳим драйверларидан бирига айланиб, нафақат ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб, балки ташқи бозорларда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида юртимиздан хорижий давлатларга қиймати 2,2 миллиард долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Экспорт географияси эса ўтган йилги 81 давлатдан 90 гага етди. Янги бозорлар қаторига Гватемала,



Словения, Макао, Гайана, Аргентина, Чили, Мозамбик, Мала та Кот-д'Ивуар давлатлари қўшилди.

Экспорт маҳсулотлари таркибида мева-сабзавот, ерёнғоқ ва ёнғоқлар, мош ва полиз маҳсулотлари етакчи ўринни эгалламоқда. Айниқса, Ўзбек заминидан етиштирилган анор, тилос, қовун, помидор ва қўрилган меваларга хориж бозорларида талаб юқори бўлмоқда. Бундай кенг қўламли экспорт натикалари юртимиз агросаноат комплексини ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантириш, логистика ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган илмий ислохотлар самарасидир.

Экспорт ҳажминини ошириш учун сифат ва барқарорлик асосий мезон ҳисобланади. Бугунги кунда 1800 га яқин корхонамиз “Global G.A.P.”, “HALAL”, “Organic” каби халқаро сертификатларни олган. Бу ҳам маҳсулотларимиз халқаро бозорларда тан олинishi ҳамда экспорт салоҳияти изчил ўсшини таъминлапти. Махсулот етиштириш билан бирга уни экспортга тайёрлаш ҳам муҳим. Бу йўналишда мамлакатимизда совиткич омборлар, логистика марказлари ва қайта ишлаш заводлари сони кескин ошгани аини мудоао бўлмоқда. Шу боис, жорий йилда республикамизда қиймати 749,4 миллиард сўмлик, қуввати 115 минг тонна бўлган 7 та агрологистика маркази ҳамда қиймати 185,1 миллиард сўмлик, қуввати 14 минг тонна бўлган 26 та замонавий совиткичи омбор фойдаланишга топширилди. Натижада агрологистика марказлари сони 95 гага, умумий қуввати 1412 тоннага, совиткичи омборлар сони эса 2077 гага, қуввати 1 миллион 351 минг тоннага етказилди. Бу

кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ мuddат сақлаш, ташқи бозорга етказишдаги йўқотишларни камайтириш ва экспорт ҳажминини барқарор ошириш имконини бермоқда.

Экспортбоп маҳсулот етиштириш билан бирга қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш соҳаси изчил ривожланмоқда. Хусусан, 2025-2026 йилларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича 10,5 триллион сўмлик 675 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бугунги кунга қадар қиймати 2,7 триллион сўмлик 290 та янги лойиҳа ишга туширилди ҳамда 3700 дан зиёд иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳалар нафақат ички бозорни қўшимча маҳсулотлар билан таъминлаш, балки экспорт ҳажминини кўпайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бир тармок — минг имконият

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармокларидagi кенг қўламли ислохотлар озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича 10,5 триллион сўмлик 675 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бугунги кунга қадар қиймати 2,7 триллион сўмлик 290 та янги лойиҳа ишга туширилди ҳамда 3700 дан зиёд иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳалар нафақат ички бозорни қўшимча маҳсулотлар билан таъминлаш, балки экспорт ҳажминини кўпайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Чорва озукаси базасини мустаҳкамлаш мақсадида 447,6 минг гектарда озукабоп экинлар етиштирилди.

Паррандачиликда ҳам жорий йилда қиймати 777 миллиард сўмлик 100 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 161 миллион бош парранда етиштириш қуввати яратилди ва 627 та янги иш ўрни очилди. Балиқчилик йўналишида 303,4 миллиард сўмлик 110 та лойиҳа ишга туширилиб, 568 та янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, соҳада 15 миллион долларлик тўғридан тўғри инвестиция ўзлаштирилди. Қиймати 25,4 миллиард сўмлик 23 та лойиҳа асосида 2,8 минг асалари оиласи ташкил этилди.

“Ҳар бир оила — тадбирдор” дастури доирасида 68,2 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди ва 2,9 минг хонадонга 70 мингдан ортиқ асалари оиласи етказиб берилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон асал маҳсулотлари ҳам ташқи бозорда ўз ўринини топтоқда — Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Арманистонга 3,3 миллион долларлик асалари пакетлари экспорт қилинди. Тармоқлардаги ушбу ёндашувлар, самарали лойиҳалар ва илмий асосланган тажрибалар қишлоқ хўжалигини иқтисодиётнинг етакчи ҳамда барқарор соҳаларидан бирига айлантирмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар нафақат тармок самарадорлигини ошириш, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини кучайтириш ва фермер меҳнатига муносиб баҳонни шакллантиришга қаратилган. Бирок ҳар қандай ислохот самараси, аввало, ижроси билан ўлчанadi. Ҳар бир рабҳар, ҳар бир мутахассис ўз вазифасига виждонан ёндашса, ҳар бир қарорнинг ҳаётий қиймати юзага чиқади. Буни таъминлашда фуқаролар мурожаатлари билан самарали ишлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Худудларда ташкил этилаётган сайёр қабуллар ҳам аҳоли билан мулоқот маданиятини янги босқичга кўтармоқда. Жорий йилнинг ўзида 5 мингдан ортиқ фуқаро иштирок этган шундай қабулларда 1000 дан зиёд муаммо ва тақлифлар ижобий ҳал этилди. Бу фақат рақам эмас — ҳар бир ҳал этилган мурожаат ортида инсон тақдирини ҳамда жамият ишончини етати.

Фуқаролар мурожаатларини тезкор қабул қилиш мақсадида вазириликда “Ишонч телефони” ишга туширилган. Бундан ташқари, жамоатчилик билан очик мулоқотни таъминлаш учун “Қишлоқ хўжалиги вазирига мурожаат” номли телеграм гуруҳи ташкил этилган. Бу гуруҳ орқали юзлаб мурожаатлар бевосита жойида ечим топтоқда. Фуқароларнинг фикри, тақлифи ёки шикоятини энди узоқ бюрократик йўлни босиб ўтмайди — электрон тарзда тез етиб боради, тез жавоб олади. Натижада вазириликка келиб тушаётган қорғоз мурожаатлар сони сезиларли даражада камайди, мурожаатларни қўриб чиқиш мuddати эса бир неча баробар қисқарди.

мурожаатлар учун алоқа каналлари, ижтимоий видеоплаҳалар ва масъул ходимлар ҳақидаги маълумотлар жамоатчилик учун очик тарзда жойлаштириб келинмоқда. Бу эса фуқаролар ва ҳамкорлар учун янада шаффоф ва ишончли муҳит яратишга хизмат қилмоқда.

— Жамоада ҳуқуқий онг ва дунёқарашни шакллантиришда тарғибот муҳим аҳамиятга эга. Ходимлар орасида очик мулоқотни кенгайтириш мақсадида йил давомида узлуксиз тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётиб, — дейди комплаенс хизмати шўба бошлиғи Азамат Бозоров. — Хусусан, ОАВ вакиллари ҳамда жамоатчилик иштирокида қатор семинар ва брифинглар ўтказилиб, жамият афалиятига оид доллар масалалар юзасидан тарғиботчи ахборот бериб боришмоқда. Қолаверса, матбуотда ҳам чиқишлар ташкил этилаётгани фикримиз исботдир. Ҳозир 10 ноябрдан 10 декабргача “Коррупцияга қарши курашиш ойлиғи” ва “Очиқ эшиклар кунини” тадбирлари юқори савияда ўтказилмоқда. Бу ҳам барчамизни бир мақсад йўлида бирлашиб, ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлишга даъват этмоқда. Бундай тадбирларда комбинатнинг қўп сонли ишчи-ходимлари фаол иштирок этипти. Бу жараёнда уларга коррупциянинг оқибатлари, жамият тараққиётига зарари ҳаётий мисоллар асосида тўшунтириб берилмоқда.

Ҳар бир соҳада шаффофлик устувор бўлса, иллатларга қарши тизимли чоралар куچайтирилса, жамиятда ҳалоллик маданияти қарор топади. Бу, ўз ўрнида, коррупциянинг илдини қирқишга қаратилган ишлар самарадорлигини янада оширади. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти комплаенс хизмати ходимлари ана шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ШАФФОФЛИК БОР ЖОЙДА ҲАЛОЛЛИК ВА БАРАКА БЎЛАДИ



— Жорий йил январда комбинатимизда коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини янада ошириш, очиклик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган 24 бандан иборат комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурда белгиланган вазифалар ижроси босқичма-босқич тўлиқ таъминланмоқда, — дейди “НҚМК” АЖ комплаенс хизмати бошлиғи Рустам Авезов. — Шу

билан бирга, 2024 йил 25 декабрда жамият тизимида раёкат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини кучайтириш мақсадида 9 банддан иборат “йўл харитаси” тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси доимий назоратга олинган. Комбинатда қабул қилинаётган ҳар бир буйруқ, ҳар бир ҳужжатнинг шаффоф ва қонуний бўлишига алоҳида эътибор берилади.

Жорий йилда жамият бошқарувида киритилган 93 та ҳужжат лойиҳаси ҳамда фуқаролар қабули бўйича 32 та баённома коррупциявий экспертизадан ўтказилди. Мазкур жараён ҳар бир ҳужжатнинг қонунчилиги, шаффофлиги ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймастик таъминлаш асосида амалга оширилди. Ўтган йил якуни бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўтказган рейтинг баҳолаш натижаларига кўра, комбинат 96 балл билан мамлакатдаги давлат ташкилотлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, жорий йил июлда жамиятнинг марказий аппарати халқаро мезонлар асосида яна бир муҳим синовдан муваффақиятли ўтди. Халқаро сертификатловчи ташкилот томонидан ўтказилган биринчи босқич кузатув аудити натижаларига кўра, “НҚМК” АЖ фаолияти ISO 37001:2016 — “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандарти талабларига тўла мувофиқ экани тасдиқланди.

Комплаенс хизмати томонидан ишчи-хотимлар, корхона ва ташкилотлар билан очик мулоқотни таъминлаш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш борасида изчил ишлар бажарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида хизматга жами 309 та ижро ҳужжати келиб тушган. Шундан ижро мuddати келган 211 таси ўз вақтида ҳал этилди.

Қолаверса, юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган 46 та мурожаат апрофияна ўрганилиб, улардан 40 тасига ҳуқуқий тўшунтириш берилади. Бешта мурожаат қисман қаноатлантирилди. Битта мурожаат бўйича ҳозир ўрганиш ишлари давом этмоқда.

— Ходимларнинг малакасини ошириш, комплаенс тизимини кучайтириш ва халқаро стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди комплаенс хизмати юристи Баҳодир Тошев. — Жорий йилда ходимларнинг 14 та анъанавий ва халқаро маҳсус ўқув курсида фаол иштирок этди. Хусусан, Халқаро коррупцияга қарши курашиш академияси ўтказган қатор ўқув дастурлари, “ISO 37001:2025” халқаро стандартининг янги версиясини қўлаш ҳамда комплаенс ва рискларни боқариш йўналишида, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг виртуал академия электрон платформасида ташкил этилган ўқув курслари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва БМТнинг Тараққиёт дастури доирасида ҳамда Буюк Британиядаги “MBF Academy” томонидан ташкил этилган нуфузли малака ошириш курсларини муваффақиятли якунлаб, сертификатларни қўлга киритди. Малака ошириш бўйича қилинган ишлар ходимларимизнинг профессионал салоҳиятини янада мустаҳкамлаб, коррупцияга қарши самарали тизимни шакллантиришда муҳим қадам бўлди.

Жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик соҳадаги ислохотларнинг очик ва натижадор бўлишига хизмат қилади. Комбинатда очиклик ва жамоатчиликка ҳисобдорликни таъминлаш мақсадида www.npkmk.uz расмий веб-сайти ҳамда комбинат ходимлари учун жорий этилган ички портал орқали “Коррупцияга қарши курашиш” ҳамда “Очиқ маълумотлар” бўлимлари мунтазам янгиланб боришмоқда. Унда ички меъёрий ҳужжатлар, очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар,

Хукукий ахборот хукукий таълим ва маданиятнинг асоси, давлат ва ривожланган фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутати. Зеро, у амалдаги хукукий нормалар, уларни қўллаш амалиёти, шунингдек, фуқароларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари ҳақидаги маълумотларни жамлайди.



Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Жадал ривожланаётган бугунги жамиятда хукукий ахборотнинг роли муттасил ошиб бормоқда. Хукукий қоидаларни билиш фуқароларга ишонч билан ҳаракатланиш, онгли ва мулоҳазали қарорлар қабул қилиш, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиш имконини беради. Юқори сифатли ва ишончли қонун ҳужжатлари маълумотларидан кенг фойдаланишни таъминлаш давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги “хукумат соати” да адлия вазирлиги қуйдаги маълумотларни келтирди: Ўзбекистонда 2016 йилгача бир йил ичида 15-20 та қонун қабул қилинган бўлса, 2024 йилда бу рақам 125 тага етган. Ҳозирги кунда норматив-хукукий ҳужжатлар фонди 44 мингдан ортиқ ҳужжатни ўз ичига олади, шундан 23 минггаси ёки 51 фоизи охириги 7 йилда қабул қилинган.



Қонунлар ва бошқа норматив-хукукий ҳужжатлар самарадорлиги бевосита уларнинг мазмун-моҳияти хукукий нормалар ижрочиларига, мурожаат қилувчиларига, шунингдек, кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказилишига боғлиқ. Бундай ҳужжатларнинг расмий наشري хукукий нормалар билан умумий танишишни таъминловчи норма ижодкорлиги жараёнининг якуний ва зарур босқичидир. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида фуқароларнинг расмий хукукий

ахборотдан фойдаланиш хукуқи конституциявий даражада ёки бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар белгиланган тартибда ҳар бир фуқароларни хукукий ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлаш шарт. Бунда ахборотни тарқатиш ва расмий веб-сайтларга joyлаштириш, норматив-хукукий ҳужжатларни қўллаш тартибини тушунтириш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари бўйича маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, аҳолининг хукукий маданияти ва онгини оширишга қаратилган тизимли тарғиботни амалга ошириш лозим.

Республикамизда хукукий ахборотнинг аҳамияти ва жамият ҳаётига самарали таътибқ этилиши тегишли ҳужжатларда белгилаб берилган. Норматив-хукукий ҳужжатлар моҳияти ва аҳамиятини ижрочиларга етказиш ҳамда аҳолига тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режаларини тасдиқлаш ва амалга оширишни назорат қилиш давлат органларига юклатилган. Шунингдек, Адлия вазирлиги норматив-хукукий ҳужжатларни тарқатиш фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи асосий ваколатли орган ҳисобланади.

2017 йил 25 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси норматив-хукукий ҳужжатларни ёллон қилиш учун расмий ахборот майдонига айланди. Унда вазирлик ва идоралар норматив-хукукий ҳужжатлар, қарорларнинг электрон шакллари имзоланган кундан бошлаб бир кундан кечиктирмай белгиланган тартибда, жумладан, ушбу ҳужжатни инглиз тилида ҳам joyлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — Lex.uz амалдаги қонун ҳужжатлари, хусусан, қонунлар, Президент қарорлари ва қарорлари, ҳукумат, ҳокимликлар қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган хукукий ахборотнинг асосий манбаидир.

Бундан ташқари, regulation.gov портални ҳам мавжуд, унда қонунлар, қарорлар, норматив ҳужжатлар, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фармойишлари ва қарорлари лойиҳалари жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинади.

шу жумладан, қонунлар, қонун ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари, халқаро шартномалар тўғрисидаги ахборотни олиш хукуқини мустаҳкамлади. Шунингдек, қонунда масъул давлат органлари томонидан медиарежалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хукукий тарғибот гуруҳларини, теле ва радиодастурлар туркумини ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида мақола ҳамда ахборот материалларини joyлаштириш ҳамда хукукий тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш назарда тутилган.

Қонунга мувофиқ, вазирлик ва идораларнинг хукукий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Ахборот, кутубхона ва таълим муассасаларининг хукукий ахборотни тарқатишда иштирок этиши ва ундан фойдаланишни таъминлаш масалаларига оид қоидалар мустаҳкамланган.

Шундай қилиб, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари тегишли равишда Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, шунингдек, улар тузилмасида joyлашган бошқа идоралар томонидан хукукий ахборот билан таъминланиши назарда тутилган.

Таълим муассасалари ўз фаолият соҳалари бўйича хукукий ахборот фондларини шакллантириди, ўқувчиларга хукукий ахборот фондидан фойдаланиш имкониятини беради ва талабаларнинг талабига биноан уларни тақдим этади. Таълим муассасалари хукукий ахборотни тарқатиш ва ундан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шакллarda фойдаланишни таъминлашда ҳам иштирок этиши мумкин.

Давлат органлари расмий веб-сайтлар ва бошқа расмий манбалар орқали хукукий ахборотдан эркин фойдаланишни таъминлаш, қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш ва фуқароларга хукукий масалалар бўйича маслаҳатлар бериши лозим.

Норматив-хукукий ҳужжатлар матнларининг электрон нусхалари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларида белгиланган тартибда мажбурий joyлаштирилиши шарт.

Ҳар бир давлат органида ахборот хизмати мавжуд, унинг вазифаси ушбу идора фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишдан иборат. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича норматив-хукукий ҳужжатларни қўллаш тартибини тушунтиради. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тайёрланган норматив-хукукий ҳужжатларни қўллаш тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар ушбу идоралар ва ташкилотларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари учун мажбурийдир.

Кейинги йилларда аҳолига хукукий ахборотни тушунтириш учун турли юридик ёрдам тизимлари яратилди. Жамиятда хукукий саводхонлик ва маданиятни юксалтириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-хукукий портали — Advice.uz (e-maslahat.uz) шулардан бири. Бу портал Вази́рлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Аҳолига хукукий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган. У ҳар кунни мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларининг саволлари ҳар томонлама хукукий жавоблар ва бепул юридик маслаҳатлар бериб боради.

Бундан ташқари, аҳоли конференциялар, учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари, босма нашрлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радиоянширтиришлар, ижтимоий реклама — видео, инфографика ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги ахборотлар орқали ҳам ҳолис хукукий ахборот олиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз фаолияти билан боғлиқ хукукий ахборотни сўраб давлат органлари ва ташкилотларига сўров билан чиқиш хуқуқига эга. Бундай сўров келиб тушган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак ва жавоб электрон шаклда бепул тақдим этилади. Сўровни қондириш рад этилган тақдирда ариза берувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда асосланган жавоб юборилади.

Юқорида айтилган адлия вазири иштирокидagi “хукумат соати” да вазирлик ва идораларда норма ижодкорлиги борасидаги кўнмака ва масъулият даражаси ҳамон етарли эъмомлиги қайд этилган. Натияжада Адлия вазирлиги томонидан охириги бир ярим йилда (2024-2025 йилларда) хукукий экспертизадан ўтказилган 355 та қонун лойиҳасининг 68 тасини қабул қилиш мақсадида мувофиқ эъмомлиги тўғрисида ҳулоса берилган.

Жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш борасидаги муҳим йўналиш ва вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш биз, хуқуқшунос ва зиёлилардан масъулият ва фидойиликни талаб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тарраққийиш ва халқ фаровонлигининг гаровидир. Ушбу чора-тадбирлар изчиллиги хукукий ахборотни тарқатиш тизимини сезиларли даражада такомиллаштириш, фуқароларнинг хуқуқий онгини юксалтириш аҳолининг хуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Ҳашар йўли билан қурилган, атиги уч-тўртта синфхонадан иборат қишлоқ мактаби. Аҳоли уйларида ажралиб туриши учун девори оқланган. Шу боис, уч чақирим наридан қарасангиз ҳам отнинг қашқасидай оппоқ бўлиб кўринади. На девор, на дарвозаси бўлмаган бу мактабга тўрт томондан ҳам кириб келавериш мумкин. Ичкари ҳам ўқитувчилар “махорати” билан жиҳозланган. Устозлар ташаббуси билан ўқувчилар ўтириши учун ёғоч бўлаклари ерга қўмилиб, устидан узун тахта қоқилган. Парта ҳам шу ҳолатда, лекин китоб, дафтар қўйиш учун бир оз баланд қилинган...



Эрталабдан қишлоқнинг турли тарафидан болалар мактабга шошилади. Қўлга чарм сумка кўтарган саноклигига муаллимлар учун алоҳида хона йўқ. Эртaroқ келган ўқитувчи синфхонада қоровул ўт ёқиб кетган печкага тараша ташлаб, ўқувчиларни кутиб ўтиради. Бир оз қоронғилигини айтмаганда, ҳар ҳолда иссиқ. Лекин ёмғирли кунларда томдан чакка ўтади. Бунга қарши чора қўрилган. Икки-учта эски челақ айнан чакка тўшаётган жойга қўйиб чиқилади. Айрим пайтлари жисмоний тарбия дарсида ўқувчилар бино устига чиқарилиб, “том тепиш машқи”ни бажаради. Бу “машқ” иш бериб, қамида беш-олти кун томдан сув ўтмай туради.

...Қўлак яқинлашган пайтлари эди. Юқори синф ўқувчиларидан “Келажақда ким бўлас экан?” мавзусида ишшо олинди. Ўқитувчи ҳар бир ишшоно текшириб

шимариб ишга киришди. Дастлаб эски шифо масканида шароит қилиш ҳаракати тушди. Бунга йўл излаб, турли идора раҳбарларини безовта қилди. Кимдир йўл-йўриқ кўрсатган бўлди. Яна бири: “Тинчгина ишингни қилиб, ойлигингни олиб юраверсанг-чи”, дея танбеҳ берганди. Тиришқoқлиги сабаб имкон топгандек бўлди. Ҳўжалик раҳбарига кириб, шифохона учун ер сўради. Бу осон иш эмасди. Аммо кунига ўн мартаб қатнайвериб, раисни ҳам хуноб қилди. Хуллас, раис шифохона учун ер бериб қутулди. Саксон гектар майдон ажратилди. Бу дастлабки имконият очилишдан даролат эди.

Шундан сўнг жамоаси билан ажратилган ҳудудда сабзавот етиштиришни йўлга қўйди. Йил давомида ишдан бўш вақт



Қишлоқ аёлларининг ҳомиладорлик пайтида саломатлигига эътиборни кучайтириш, мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб борилишини қаттиқ назорат остига олди. Аҳолининг азалий одатига айланган яна бир ёмон одатга қарши курашди.

Неча йилларки, қишлоқ аёллари, асосан, ўз уйларида туғарди. Шунинг учун туғуруқ фожиа билан туғаш ҳолатлари кўп учраётганди. Оналар ва болалар ўлими ортиб боришига сабаб ҳам аслида шу эди. Тўғри, олдин шифокор деярли бўлмаган. Аммо бугун бор.

топилди дегунча, ўзи бош бўлиб, далага югуради. У пайтлари аҳолининг асосий қисми ҳўжаликда меҳнат қиларди. Шу сабаб улар орасида юриб, қайси касалликлар кўп учраётганини аниқлашга интилди. Таҳлилларга кўра, аниқланган касалликларга қарши курашди. Ҳар сафар далага йўл оларкан, йўл-йўлакай одамларга касалликнинг келиб чиқиши, эртанги таъсири ҳақида тушунар бериб борди. Натияжада қишлоқ одамлари кўп йиллик дарддан қутула боришди. Бу орада ҳўжалик еридан олган даромад ҳисобига кичикроқ бўлса ҳам янги шифохона қуришга эришди.

Энди асосий қиладиган иш аҳолининг тиббий маданиятини оширишдан иборат эди. Бунинг учун кўп меҳнат қилиши кераклигини англаса-да, ортга қайтмади. Айниқса, қишлоқ аёлларининг ҳомиладорлик пайтида саломатлигига эътиборни кучайтириш, мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб борилишини қаттиқ назорат остига олди. Аҳолининг азалий одатига айланган яна бир ёмон одатга қарши курашди. Неча йилларки, қишлоқ аёллари, асосан, ўз уйларида туғарди. Шунинг учун туғуруқ фожиа билан туғаш ҳолатлари кўп учраётганди. Оналар ва болалар ўлими ортиб боришига сабаб ҳам аслида шу эди. Тўғри, олдин шифокор деярли бўлмаган. Аммо бугун бор.

Сайфулла Шаропов бунинг олдини олиш учун туну кун ҳаракатдан тўхтамади. Йўл-маъракаларга сўз олиб, одамлари бу йўлдан жайратди уринди. Салбий ҳолатларнинг олдини олиш ҳар кимнинг ўз қўлида эканини тарғиб этишга интилди.

Хонадонларга кириб, тушунтирди. Ҳаракатлар ўз самарасини бериб, хотин-қизлар шифокорга мурожаат этишни, вақтида тиббий кўрикка келишни ўрганди. Шифокор кўрсатмаларига амал қилишни одатга айлантира бошлади.

— Шифокорликка қизиқишимга отам сабабчи бўлган, — дейди С.Шаропов. — У Иккинчи жаҳон урушига кетган, орадан икки йил ўтиб, ярадор бўлиб қайтган. Соғлиги яхшиланганча, яна урушга олиб кетишкан. Совуқ ўлкаларда жанг қилиб, ўлкасини шамоллатганди. Урушдан қайтганда соғлиги унчалик яхши бўлмаган. Шу дард билан кўп йил курашди. Гоҳида кечалари аҳоли ёмонлашиб қоларди. Шундай пайтда тиббий ёрдам берадиган шифокор қишлоғимизда топилмасди. Акам иккимиз “Қани қўлимиздан келса, отамга бирор муолажа қила олсак”, дея хавотирда ўтирдик. Вояга етганимиздан сўнг Сардор акам ҳам, мен ҳам шифокор бўлдик. Мен қишлоқда ишлаб қолдим. Акам бошқа туманда ишлади. Умрини фақат одамлар саломатлигини тиклашга сарфлади.

Олийгоҳни тугатиб ишга келганимда, бу ердаги шифохонанинг аҳоли жуда ачинарли, беморларни қабул қилишга шароит йўқ эди. Кейинчалик бир оз каттарoқ шифохона қурдик. Лекин аҳоли сони ўсиб бориши натижасида кенгрок биного ҳэтибэ сезилди. Тиббиётга эътибор кучайиши ортидан давлат дастури асосида 2021 йил замонавий ишшоот барпо этилди. Ҳозир 30 ўринга мўлжалланган стационар шифохона, туғуруқ бўлимлари мавжуд. Кунига 100 кишини қабул қилиш имкониятимиз бор.

Олис чўл ҳудудида узoқ йил ишлаш учун кишининг касбига муҳаббати кучли бўлиши лозим. Бу айнан ҳақраомимизга хос хислат. Сайфулла аканинг меҳнатини бугун бутун вилоят мутасаддилари яхши билади. Биргина шифохона ҳовлисини кўздан кечирган киши бу ердаги боғни кўриб, қойил қолиши аниқ. Кўпчиликнинг ҳовлисиди йўқ дарахтлар бу ерда кўкка бўй чўзган.

— Ҳар бир ниҳолни ўз қўлим билан экиб, амал олгунига қадар икки-уч йил тонгда келиб сув қўйганман, — дейди Сайфулла ака. — Бугун чиройли боғ бўлди. Соясида қанча киши ҳордиқ чиқаради. Бундан ташқари, яшиллик киши кайфиятини кўтарди. Тоза ҳаводан нафас олишимизга ёрдам беради. Бизнинг ҳудудда ёз иссиғи кучли бўлади. Қўлнинг гармсел шамолчи кўз очирайди. Шу боис, бундай боғларни яратишимиз зарур. Ҳозир ҳовлида ўрик, узум, анжир, шафтоли қайи мева-ли дарахтлар экилган. Ҳосилидан шу ерда ишловчилар баҳраманд бўлади. Кимгадир қовдчилар тегса, раҳмат айтса, мен учун бундан ортиқ рағбат йўқ.

Эллик йилга яқин бир жойда ишлаб, эл саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган Сайфулла ака бугун 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқда энг обрўли кишилар қаторида. Жамоаси учун фидойи раҳбар. Патронаж ҳамшираларига вилоятда биринчилардан бўлиб скутер олиб берган. Бугун 15 нафар ўрта тиббиёт ходими шу улов орқали ўз вазифасини бажаради. Айни пайтда улар ўқув курсида ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиши учун шароит яратилган. Яна бир муҳим жиҳати, унинг тарғиботи, меҳнати сабаб қишлоқда 25 йилдан бери туғуруқ пайтида оналар ўлими қайд этилмаган. Болалар ўртасидаги турли касалликлар анча қаймаган. Аҳолининг тиббий маданияти ошган.

Тажрибали шифокорнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, 2022 йили Сайфулла Шаропов “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Унинг эллик йиллик тажрибаси кўпгина ёш шифокорларга ибрат мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Сунъий интеллект ҳаётимизга шу даражада чуқур кириб бормокдаки, қайси соҳада фаолият юритилмасин, албатта, унга муножаат қилишга мажбур бўлади киши. Таълим, соғлиқни сақлаш, банк-молия, маданият — у кириб бормаган жабҳанинг ўзи йўқ. Энг қизиги, сунъий интеллект тобора такомиллашиб, ҳар куни янги қирраларини намойиш этипти ва инсониятни ўзига маҳдиё қилиб қўймоқда. Шу билан бирга, у мунозараларнинг асосий мавзусига ҳам айланган. Кимдир унинг иш самарадорлигини ошириб, иқтисодиётга катта фойда олиб келаётганини мақтаса, кимдир ишсизликни қўпайтираётгани, иш сифати пастлиги ва бошқа салбий жиҳатларини санашга тушади.



Санжар ЭШМУРАДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Аммо бу мунозаралардан зигирча ҳам фойда йўқ. Чунки 20-30 йил олдин интернет қанчалик муҳокама қилинмасин, салбий жиҳатлари саналмасин, барибир йил сайин оммалашиб борди. Ҳатто қисқа фурсатда такомилнинг чуққисига чиқиб, бутун ўрнини сунъий интеллектга бўшатиб ҳам бермоқда. Замонавий технологиялари мақтаганлар ҳам, ёмонлаганлар ҳам фойда кўрмайди. Аксинча, янгиликни тезроқ ўзлаштирганлар, ҳаёт тарзи, иш фаолиятини унга мослаштирганлар ютади. Яқинда Президентимиз давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “...Бугун инсоният янги цивилизация босқичига — сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Қайси соҳа бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изла-ниб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдин-да юрса, марра шунки бўлади”, дея тўғри таъкидлади.

Сўзсиз, замонавий технологиялардан фаол фойдаланиш давр талаби. Лекин яна бир мулоҳаза бор. Бу янги цивилизация босқичи, сунъий интеллект даври инсонлар етук кадр бўлиши учун қандай йўл тутиши, нималарни ўқиб-ўрганиши зарурлиги масаласидир. Чунки бугунги ёшлар фақатгина бир-бири билан эмас, замонавий сунъий интеллект техноло-гиялари билан ҳам рақобатда ютқазиб қўй-маслиги талаб этилади.

Еттинчи туйғу қадри

Қадим замонда бир бой ўғлини ўз шахри-даги энг машҳур уламонинг ёнига шогирд-ликка олиб бориб, бор илмини ўргатишини сўрабди. Уламо чорасиз рози бўлибди. Ота уч-тўрт йилдан сўнг ўғлини кўргани келиб-ди. Суҳбат асосида унинг қанчалик илм олганини синаб кўрмоқчи бўлибди. Каф-тига битта маржонни берkitиб, ўғлидан “Қўлимда нима бор?” дея сўрабди. Бола ўрганган бор илмини ишга солиб, отаси қўлиданги матоҳ юмалоқ эканини топибди. Отанинг қувончдан боши кўкка етибди ва ўғлига сўроқ нитохи билан боқибди. Бола яна турли амалларини ишга солиб, унинг ўртаси тешик эканини аниқлабди, аммо ҳу-лоса беришда адашиб, отасининг кафтида маржон шодаси эмас, тегирион тоши бор-лигини айтибди.

— Нега? — дея ажабланибди ота.
— Чунки унинг фаҳм-фаросати кам. Фа-росат инсонда тўғма бўлади ёки жуда кичик ёшлардан шакллантирилади, — дея жавоб бе-рибди уламо.

Ота эса уламонинг сўзларига қулоқ тут-май, ўғлини шогирдликка олишини ўтиниб сўрабди. Уламо чорасиз рози бўлибди. Ота уч-тўрт йилдан сўнг ўғлини кўргани келиб-ди. Суҳбат асосида унинг қанчалик илм олганини синаб кўрмоқчи бўлибди. Каф-тига битта маржонни берkitиб, ўғлидан “Қўлимда нима бор?” дея сўрабди. Бола ўрганган бор илмини ишга солиб, отаси қўлиданги матоҳ юмалоқ эканини топибди. Отанинг қувончдан боши кўкка етибди ва ўғлига сўроқ нитохи билан боқибди. Бола яна турли амалларини ишга солиб, унинг ўртаси тешик эканини аниқлабди, аммо ҳу-лоса беришда адашиб, отасининг кафтида маржон шодаси эмас, тегирион тоши бор-лигини айтибди.

Отанинг ҳафсаласи пир бўлиб, уламонинг ўғлини етаклаб келганда айтган сўзларини ёдга олибди. Алқисса, шогирднинг тўрт йил ўрганган билими отасининг қўлидаги буюм шаклини аниқлашга етибди-ю, аммо теги-рион тошининг кафтга сигмаслигига фаҳми етмабди...

Баззан сунъий интеллект асосида иш-лайдиган ChatGPTдан бирор маълумотни сўрасам, бутунлай алоқаси йўқ жумлаларни қалаштириб ташлайди. Шундай вазиятда юқоридаги ривоят ҳаёлимдан ўтади. Айрим-лар у такомиллашиб боряпти, кейинчалик камчиликлари йўқолади демоқда. Бўлса бор-дир, аммо наздимда, барибир сунъий интел-лект ҳар қанча такомиллашмасин, мантиқий фикрлаш, таҳлил қилиш, ҳулоса беришда инсон ақлига ега олмайд. Чунки у таҳлил қилишда куруқ маълумотларга таянади. Ин-сон омили, фавуқлодда ҳолатларни инобатга ололмайди. Бир сўз билан айтганда, техно-логиядан инсон тўғри қарор қабул қилишга туртки берувчи “еттинчи туйғу” мавжуд бўл-майди. Келажақда ҳам инсон ижодкорлик ва мантиқан фикрлаш, ҳис қилиш қобилияти билан ҳар қандай технологиядан устун бўлиб тураверади.

Уқиш талаб этилади

Яқинда тоғамникига меҳмонга бордим. Дастурхон устидаги гурунда тоғам уй олиш ниятида эканини айтиб қолди. Лекин қўли бир оз калталик қилаётган экан. Ипотeka кредити олишини маслаҳат бердим. Интер-нетдан янги қурилаётган уйлар ва банклар-нинг кам фоизли ипотека кредитлари бил-лан таништирдим. Тоғам билан кредитнинг бош, ойлик тўлови, жами суммаси қанча бўлишини ҳисоблашга қийналдик. Шунда математикага ихтисослаштирилган мактаб-да ўқийдиган жиянимни ёрдамга чақирдим. У уй олиш шартларини икки-уч бор ўқиб кўрди-да: “Менга қайси рақамни қайси ра-қамга кўпайтириш ёки қайси бирдан фоиз чиқариш кераклигини айтиб туринг”, деди ва ўзининг ҳисоб-китоб қилишга усталиги, сўзлардан кўра рақамларни яхшироқ тушу-нишини қистириб ўтди.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

қандай қийин тенгламани ҳам бир зумда еча олиши мумкин.
Бугун кадрларга талаб анча ошган. Энди уларга юқо-ридаги қобилиятларнинг ўзи етарли эмас, ёш кадрлар мате-матик мисолларни беҳато ечиш билан бирга рақамларни сўзлата олиши ҳам керак. Формулаларни ёддан билишигина кифоя қилмайди. Уларни амалиётда қўллаш қобилияти, қонун-қоидаларга ижтимоий ҳаётда амал қилинишини таъминлаш учун янги лойи-ҳаларни ҳаётга татбиқ этишга етадиган кенг дунёқараш зарур. Бир сўз билан ай-тганда, ёш авлоддан ўқишгина эмас, уқиш талаб этилади.

Тил восита, мақсад эмас

Яқинда ўзбек тилига бағишланган суҳбат-ларнинг бирида адабиётшунос олим, профес-сор Қозоқбой Йўлдошев баҳсли бир фикрни ўртага ташлади. У бутун дунёда чет тилин ўрганишга восита сифатида қаралиши, аммо айрим юртдошларимиз буни мақсадга айлан-тириб олаётганини қайд этди. Тилининг дунё илмлари қалити эканини таъкидлаб, ёш ўзбек ўғил-қизлар тил ўрганиш баробарида бошқа тармоқдаги билимларини ҳам бойитиб бори-ши бугунги кун зарурати эканини билдирди. Халқимизда “Тил инсонга қанот, билимга қувват беради”, “Бир тил — бир инсон, икки тил — икки инсон”, деган пурмаёна ҳик-матлар бор. Ростдан ҳам чет тилин ўрганиш катта меҳнат самараси. Аммо ундан нуумли фойдалана олиш кишини “алкимёгар”га ай-лантиради. Автобусда бир ўсмир йигитнинг

— Бу эски даврнинг гапи, ҳозир тил му-хим. Тил ўрганишга қанча имтиёз бериляпти. Фойдаланиб қолиш керак, — деди йигитча.

Болакай бу гапларни отаси ҳар доим так-рорлашини билдирди.

Тўғри, тил билган яхши, кони фойда, лекин фақатгина тил билиш билан инсон ақли бўлиб қолмайди. Йигитча давлатимиз раҳбарининг ёшларни тил ўрганишга дая-ватлари ҳамда чет тилларни ўрганишга яри-тилган имкониятлар ҳақида гапирди. Пре-зидентимиз ёшларга чет тилларни ўргатиш тизимига катта эътибор қаратмоқда. Аммо бу йўналишдаги дастур ва лойиҳалар фа-қатгина чет тилларни ўрганиш эмас, унинг воситасида хорижда ўқиб келиб, етук мута-хассисга айланиш мақсадида ҳаётга татбиқ этилган. “Ёрқин келажақ” ёки “Эл-юрт уми-ди” жамғармаси лойиҳаларининг барчаси ушбу мақсадга йўналтирилган.

Ислохотлар натижаси ўлароқ, чет тилин ўрганишга киришган ёшлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга қараганда, сўнгги 3 йилда тил ўрганаётган

ёшлар сони 2 миллионга етган бўлса, IELTS имтиҳонидан юқори балл олганлар 5 қарра кўпайган. Албатта, эришилган рақамлар қу-вонарли.

Аммо айрим ўқув курслари “3 ойда IELTS-дан етти олиб берамиз”, деб тил ўргатиш эмас, шунчаки имтиҳонлардаги саволлар-ни жавоблари билан ёдлатмоқда. Бу билим омади келган ёшларга имтиҳонда асқатаётган бўлиши мумкин. Аммо юзаки таълим ёшлар-нинг келгусидаги ўқиш ва иш фаолиятига зарарча фойда келтирмайди.

Бунинг устига кейинги йилларда сунъий интеллектга асосланган шундай дастурлар ишга таширилмоқдаки, матн, аудио кўри-нишдаги материалларни бир зумда у тилдан бошқасига ўтғиришингиз мумкин. Балки бир неча йиллардан сўнг микротехнологиялар

орқали инсонлар қайси тилдан фойдаланишидан қатъи назар, ҳеч қийинчиликсиз мулоқотга ки-ришса олиш имкони пайдо бўлар. Шу боис, ота-оналар фарзандлари-ни тўғри йўналтириши жуда муҳим. Чунки авлодларимиз биздан ҳам за-монавийроқ бир даврда умргузаронлик қилад. Фарзандингизни фақатгина “қой дамлайдиган жин”га айлантириб қўйишдан эҳтиёт бўлинг.

Муаммонинг илдизи қаерда?

Мустақилликнинг илк йилларида таълим тизимида амалга оширилган ислохотлардан бири олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида тестдан фойдаланиш эди. Бу тизимга ўтилишининг асосий сабаби олий таълим муассасалари кириш имтиҳонларида коррупция, таниш-билишчилик учриб кети-ши, институтлар имтиҳонларини олиш шарт-ларини ўзлари белгилаши, марказлашган тизим йўқлиги эди. 1993 йилда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари тест шаклига ўтган бўлса, 1994 йилда бу бўйича масъл марказ фаолияти йўлга қўйилди.

Аммо ўтган даврда бу тизим ҳам соҳани фалажлаётган коррупция ва таниш-билиш-чилик иллатининг илдизига болта уролмади. Аксинча, янада авж олишига замин яратди. Бунинг устига узоқ йиллар давомида янги тизим таълимнинг асосини ёд олишга мос-лаштирди. Ёшлар мавзуларини тушуниш, таҳ-лил қилишдан кўра ёд олишни афзал билиб қолди. Ҳатто айрим ўқитувчилар ўқувчилар-га “Университетда киратётганингда мавзунинг моҳиятини сендан ҳеч ким сўрамайди”, дея даққи бериб, қонда ва формулаларни нукта, вергулгича дарслик билан бир хил қилиб ай-ти беришни талаб қиларди.

Бу жараёни бошдан ўтказганим учун яхши биламан. Бундай зўрма-зўраки, ўргати-лган маълумотлар тафаккуримизда узоқ вақт сақланиб қолмайди. Педагог, шифокор, мо-лячи, юрист — барчасини бир хил мезонлар-да баҳолаш соҳаларда янгича қараш, турлича тафаккур бўлмаслиги, тармоқлар ўзгаришсиз қотиб қолишига сабаб бўлди. Ваҳоланки, бу касб эгалари турли қобилиятга эга бўлиши зарур. Масалан, педагоглар нотик, бола пси-хологиясини яхши тушуниши талаб этилади.

Таълим тизимидаги туб ислохотлар на-тижасида 2019-2020 йилларга келиб, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари-даги коррупция ва таниш-билишчилик иллати-га буткул барҳам берилди. Бунда соҳанинг рақамлаштирилиши, имтиҳонларга онлайн кузатув ва бошқа замонавий технологиялар жал қилиниши орқали эришилди. Шунинг-дек, яна бир катта воқелик — ижодий қоби-лият талаб этувчи йўналишларга ижодий им-тиҳонлар олиш тизими жорий этилди.

Халқаро тажрибага эътибор қаратади-ган бўлсак, Жанубий Кореяда олий таълим муассасалари имтиҳонлари жуда мураккаб ва кўп босқичли (эссе, оғзаки саволлар, ра-қамли тестлар) ўтказилади. Европа давлат-ларининг аксариятида ўқувчининг мактаб давридаги ўзлаштириши (баҳоалари) қат қи-луви аҳамият касб этади. Босқичма-босқич Ўзбекистонда ҳам бу соҳада ўзгариш ва я-нгиланишлар амалга оширилмоқда. Масалан, сертификатларга эга бўлиш орқали олий таъ-лим муассасасига кириш учун балл йиғиш, ё бўлмаса, келгуси ўқув йилидан 9- ва 11-синф

ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари ўтказилиши фикримизни исботлайди.

Олий таълим муассасаларига кириш имти-ҳонларининг шакл-шамойили, мазмун-моҳия-ти ўзгарапти. Демак, муаммо бир-икки йилда бартараф этилади дейишга шовилманг. Саба-би, биринчидан, сертификатларга тайёрлашда ўқув марказлари, мактаблар ёдлатиш усулидан фойдаланмоқда. Бундан ташқари, мактаблар-даги ўқув жараёнилари ҳам назорат ишлари кўпроқ тест тизимида олинади.

Сунъий интеллектга асосланган бугунги технологиялар ривожланиб бораётган, ҳат-то биринчи синф ўқувчиларида ҳам сўнгги русумдаги телефон бор бир даврда тест ор-қали назорат иши олиш ўқувчилар билим даражасини аниқлашда ёрдам бера олмайтти. Оғзаки назоратлардан кўпроқ фойдаланиш ўринли. Таълим беришнинг мақсади ва усул-ларини ҳам ўзгартриш талаб этилади.

Фикрлашга ўргатиш даркор


Таълим тизими ривожланган давлатлар ўқувчиларга билим беришда мантиқий фикр-лаш, дунёқарашни кенгайтириш, таҳлил қо-билиятини ўстиришга алоҳида эътибор қар-ратмоқда. Ушбу соҳада етакчи давлатлардан бири Финляндия таълим тизимида интегр-ацияланган таълим моделидан нуумли фойда-ланилади. Бу қандай модель? Ушбу тизимда дарс жараёнилари фанларга эмас, мавзуларга бўлинади. Масалан, “сув” мавзуси бўйича ўқувчиларга бир вақтнинг ўзида сувнинг кимёвий хоссалари, физик хусусияти, геогра-фик, экологик аҳамияти ўргатилади. Бир сўз билан айтганда, бир мавзу турли ракурсларда кўриб чиқилади. Бу ўқувчида мавзу бўйича тўлақонли тасаввурни шакллантиради.

Назорат ишларида айрим мамлакатлар таъ-лим тизимида маҳаллий кичик муаммо тан-ланана. Масалан, айнан шу ҳудудга тегишли қичқинди ёки ҳаво йўқосланиши, ҳазонлар ёқилиши каби ҳолатлар ечимини топиш вази-фаси берилади. Ўқувчилар бу муаммони ҳал қилиш бўйича ўз лойиҳасини тақдимот қилиб беради ва улар фойдалилигига қараб баҳола-нади. Юқорида айтганимиздек, бугунги замо-навий технологиялар даврида инсон қиймати унинг инновацион, креатив фикрлаши, таҳлил қила олиш қобилияти билан баҳоланади.

Бир бойнинг икки хизматкори бўлган экан. Бой уларнинг бирига ўн танга, иккинчисига бир танга маош бераarkan. Кам оладгани бир куни бойга шикоят қилиб, бир хил ишни ба-жаришса-да, шериги ундан ўн қарра кўпроқ ҳақ олишини тушунаётганини айтибди. Бой жавоб ўрнига унга “Кўчага чиқиб қара-чи, нима шовқин экан?” деб иш буюрибди.

Хизматкор қайтиб келиб, кўчага савдогар-лар келганини айтибди. Бой “Қаердан келиб-ди?” деб сўрабди. Хизматкор сўрамаганини билдирди. Кейин бой ўн танга оладиган хизматкорини чақириб, унга ҳам худди шу юмушни буюрибди. Хизматкор бир бориш-нинг ўзида бойга савдогарлар қаердан келиб, қаерга кетаётгани, нима сотиб, нима олаётта-ни ҳақида тўлиқ маълумот келтирибди...

Бу ривоятдан фаҳм, илму заковатнинг фойдасини билса бўлади. Ҳулоса қилиб айта-диган бўлсак, сунъий интеллект ривожланган бир даврда авлодларимиз “табiiий” билим-ларга эга бўлиши давр талаби. Ўзбекистон таълим тизимининг мақсади “ўн танга” ола-диган авлодларни тарбиялаш бўлиши керак. Шундагина улар янги Ўзбекистонни барпо этадиган олтин авлод бўлиши шубҳасиз.



GAZETAДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси
34685 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 00:35 Тошхирлиди — 01:20